Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 90 (3591)
20 АПРЕЛЬ ПАЙШАНБА 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 18 апрель куни Кремлда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Эдвард Герекка Октябрь Революцияси орденини топширди.

Мукофотни тантанали топшириш маросимида Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар нутқ сўзладилар.

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Гайана Кооператив Республикаси халқ миллий конгресси партиясининг раҳбари, шу республика Бош министри Форбс Бернхэмни 19 апрель куни Кремлда қабул қилди. Л. И. Брежнев билан Ф. Бернхэм ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИ ҚАБУЛ ЭТИШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети Ўзбекистон ССР халқи номидан иш кўриб ва унинг суверен хоҳиш-иродасини ифодалаб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)ни қабул қилади ва у 1978 йил 19 апрелдан бошлаб кучга киради, деб эълон қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.
1978 йил, 19 апрель. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)

В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлигида Россия ишчилари ва деҳқонлари томонидан амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революцияси Советлар мамлакати халқлари ҳаётида жуда катта тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон халқи тақдирида ҳам туб бурилиш ясади.

Социалистик революция йўлига тушиб олган Ўзбекистон меҳнаткаш халқи рус пролетариатининг қардошларча ёрдамида эксплуататорлик тузумини ағдариб ташлади, тарихда биринчи ўлароқ ўз давлатига эга бўлди, капитализмни четлаб ўтиб, феодализмдан социализм йўлига тушиб олди.

Ўзбекистон ССРнинг вужудга келиши ва унинг бошқа қардош иттифоқдош республикалар билан бирга ихтиёрий равишда ягона кўп миллатли совет социалистик давлати — СССРга бирлашганлиги янги жамият қуришда республика меҳнаткашларининг куч ва имкониятларини беқиёс даражада ошириб юборди.

Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз меҳнаткашлари туб қайта ўзгаришларни амалга оширдилар, социализм ғалабаларини ҳимоя қилиб қолдилар ва ривожланган социалистик жамиятни — меҳнат аҳлининг чинакам эркинлиги жамиятини қурдилар; бу жамиятда қудратли ишлаб чиқарувчи кучлар барпо этилди, халқнинг фаровонлиги ва маданияти муттасил ошиб бормоқда, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи мустаҳкамланмоқда, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси — совет халқи давлат бирлигининг тимсоли бўлган, бирғалиқда коммунизм қуриш учун барча миллатлар ва элатларни жипслаштирган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составида тенг ҳуқуқли республикадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси халқи коммунизмнинг юксак идеалларига амал қилиб, ўзини бутун совет халқининг ажралмас қисми деб билиб, мамлакатимизда Конституцияни ривожлантиришнинг, Ўзбекистон ССР 1927 йилги Конституцияси, Ўзбекистон ССР 1937 йилги Конституцияси ғоялари ва принципларининг давомийлигини сақлаб қолиб ҳамда СССР ижтимоий тузуми ва сиёсати асосларини мустаҳкамлаб қўйган, гражданларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, социалистик умумхалқ давлатининг ташкил этилиш принциплари ва мақсадларини белгилаб берган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 1977 йилги Конституцияси (Асосий Қонуни)га мувофиқ ушбу Конституцияни қабул қилади ва эълон этади.

I. ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЖТИМОИЙ ТУЗУМИ ВА СИЁСАТИНИНГ АСОСЛАРИ

1 боб

СИЁСИЙ СИСТЕМА

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси республика ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг, барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг ирода ва манфаатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлатидир.

2-модда. Ўзбекистон ССРда бутун ҳокимият халқникидир.

Халқ давлат ҳокимиятини Ўзбекистон ССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади.

Давлатнинг бошқа ҳамма органлари халқ депутатлари Советлари назорати остида ишлайди ва уларга ҳисоб бериб туради.

3- модда. Совет давлати демократик централизм принципига мувофиқ ташкил этилади ва иш олиб боради: давлат ҳокимиятининг барча органлари пастдан то юқоригача сайлаб қўйилади, халқ оллида ҳисоб бериб туради, юқори органларнинг қарорлари қуйи органлар учун мажбурийдир. Демократик централизм ягона раҳбарликни жойлардаги ташаббускорлик ва ижодий активлик билан, ҳар бир давлат органининг ва мансабдор шахснинг топширилган иш учун масъул эканлиги билан уйғунлаштиради.

4-модда. Совет давлати, унинг барча органлари социалистик қонунчилик асосида иш олиб боради, ҳуқуқ-тартиботни, жамият манфаатларини, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлайди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига ва совет қонунларига риоя қилишга мажбурдирлар.

5-модда. Давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига чиқарилади, шунингдек умумхалқ ўртасида овозга (референдумга) қўйилади.

6-модда. Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. КПСС халқ учун ишайди ва халққа хизмат қилади.

Марксча-ленинча таълимот билан қуролланган Коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли, илмий асосда олиб боради.

Барча партия ташкилотлари СССР Конституцияси доирасида иш олиб боради.

7-модда. Касаба союзлари, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, сиёсий, хўжалик ва социал-маданий масалаларни ҳал этишда ўз Уставларида қўйилган вазифаларга мувофиқ қатнашадилар.

8-модда. Меҳнат коллективлари давлат ва жамоат ишларини муҳокама қилиш ҳамда ҳал этишда, ишлаб чиқаришни ва социал ривожланишни планлаштиришда, кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйишда, корхоналар ва муассасаларни бошқариш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун шунингдек социал-маданий тадбирларга ва моддий рағбатлантиришга мўлжалланган маблағлардан фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш ҳамда ҳал этишда қатнашадилар.

Меҳнат коллективлари социалистик мусобақани ривожлантирадилар, илғор иш методларини ёйишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга кўмаклашадилар, ўз аъзоларини коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайдилар, уларнинг сиёсий онглилигини, маданиятини ва касб малакасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар.

9-модда. Социалистик демократияни янада авж олдириш; давлат ва жамият ишларини бошқаришда гражданларни тобора кенгроқ қатнаштириш, давлат аппаратини такомиллаштириш, жамоат ташкилотларининг активлигини ошириш, халқ контролини кучайтириш, давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, қилинаётган ишлардан халқни кенгроқ хабардор қилиб туриш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиб бориш совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир.

2 боб

ИҚТИСОДИЙ СИСТЕМА

10-модда. Ишлаб чиқариш воситаларининг давлат (умумхалқ) ва колхоз-кооператив мулки формасидаги социалистик мулклиги Ўзбекистон ССР иқтисодий системасининг негизидир.

Касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўз Уставларидаги вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган мол-мулк ҳам социалистик мулкдир.

Давлат социалистик мулкни қўриқлайди ва уни кўпайтириш учун шароит яратиб беради.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. 1978 йил 19 апрелгача қабул қилинган Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари, Ўзбекистон ССР давлат органларининг бошқа актлари Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституциясига хилоф бўлмаганлиги сабабли ўз кучини сақлаб қолади.

2-модда. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституцияси қабул қилингунга қадар сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясида шу Олий Советларга берилган барча ваколатларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституцияси қабул қилингунга қадар сайланган давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясида халқ депутатлари маҳаллий Советларига берилган ҳамма ваколатларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституцияси 84-моддасида белгиланган халқ депутатлари Советларининг ваколат муддатлари шу Конституция қабул қилингунга қадар сайланган Советларга ҳам жорий этилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми зиммасига Ўзбекистон ССР Олий Советига ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига навбатдаги сайловлар ўтказиш вақтини белгилаб чиқиш вазифаси топширилсин. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми зиммасига эса Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ва Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига навбатдаги сайловлар ўтказиш вақтини белгилаб чиқиш вазифаси топширилсин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституциясига мувофиқ тузилган халқ депутатлари Советларининг ижро қилувчи ва бошқарувчи органлари, министрликлар ва идоралар, судлар ва давлатнинг бошқа органлари Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституциясида ўзларига берилган ваколатларни, шунингдек мазкур Конституция қабул қилинган пайтгача чиқарилган қонунларни Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясидан келиб чиқадиган қонун актлари қабул қилингунга қадар амалга ошираверадилар.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституцияси 163-моддасида район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари учун белгиланган ваколат муддати шу Конституция қабул қилингунга қадар сайланган халқ маслаҳатчиларига ҳам жорий этилади.

5-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг регламенти лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритиш, шунингдек Ўзбекистон ССР қонунларини Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституциясига мувофиқлаштириб чиқиш ишини ташкил этиш тартибини белгилаб бериш топширилсин.

6-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

7-модда. Халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижро қилувчи ва бошқарувчи органлари, министрликлар ва идоралар, бошқа давлат ва жамоат органларининг раҳбарлари Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасининг республикада ўтказилган умумхалқ муҳокамаси муносабати билан ана шу органлар фаолиятига боғлиқ бўлган масалалар юзасидан гражданлардан тушган таклифлар ва мулоҳазаларни қараб чиқсинлар ҳамда уларни амалга ошириш тадбирларини кўрсинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.
1978 йил 19 апрель. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ ГИМНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат гимнининг тексти ва музикавий таҳрири тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР Давлат гимнининг ҳамма жойда ижро этилиши 1978 йил 20 апрелдан жорий қилинади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси 19 апрель куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг учинчи мажлиси бошланди, уни Олий Совет Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** очди.

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳасининг узил-кесил текстини тайёрловчи редакцион комиссия ишининг якунлари тўғрисида комиссия раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Ш. Р. Рашидов** доклад қилди.

Олий Совет республика Конституциясини овозга қўйишга киришади. Унинг кириш қисми ва ҳар бир боби алоҳида-алоҳида овозга қўйилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)ни якдиллик билан қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)ни қабул этиш ва эълон қилиш тўғрисида»ги Декларацияни бир овоздан қабул қилди.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Ш. Р. Рашидов** якунловчи нутқ сўзлади.

Депутатлар «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)ни кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунни қабул қилдилар.

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси ўз ишини тугатди.

Депутатлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг янги Давлат гимнини ўринларидан туриб ижро этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГИМНИ

Темур Фаттоҳ ва Туроб Тўла тексти — *Мутал Бурхонов музикаси*

Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз,
Барҳаёт доҳиймиз Ленин, жонажон!
Озодлик йўлини Сиз кўрсатдингиз,
Советлар юртида ўзбек топди шон!


Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,
Дарёлар бўйида эдик сувга зор.
Тонг отди, Инқилоб, Ленин раҳнамо,
Раҳнамо Лениндан халқлар миннатдор!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!

Коммунизм гулбоғи мангу навбаҳор,
Тоабад қардошлик — дўстлик барҳаёт!
Советлар байроғи голиб, барқарор,
Бу байроқ нуридан порлар коинот!

Партия раҳнамо, жон Ўзбекистон,
Серқуёш ўлкасан, обод, баркамол!
Тупроғинг хазина, бахтинг бир жаҳон,
Советлар юртида сенга ёр иқбол!



ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий Қонуни)

(Боши биринчи бетда).

Социалистик мулкдан шахсий бойлик орттириш ва бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

11-модда. Давлат мулки бутун совет халқининг умумий бойлиги, социалистик мулкнинг асосий формасидир.

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўрмонлар фақат давлат мулкидир. Саноатдаги, қурилишдаги ва қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситалари, транспорт ва алоқа воситалари, банклар, давлат ташкил этган савдо, коммунал ва бошқа корхоналарнинг мол-мулки, шаҳарлардаги асосий уй-жой фонди, шунингдек давлат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган бошқа мол-мулклар давлатникидир.

12-модда. Колхозлар ва бошқа кооператив ташкилотларининг, уларнинг бирлашмаларининг ишлаб чиқариш воситалари ҳамда уларнинг Уставда кўрсатилган вазифаларини бажариш учун ўзларига зарур бўлган бошқа мол-мулклари уларнинг ўз мулкидир.

Колхозлар эгаллаб турган ерлар текин ва бемуддат фойдаланиш учун уларга биркитиб қўйилади.

Давлат колхоз-кооператив мулкини ривожлантиришга ва уни давлат мулки билан яқинлаштиришга кўмаклашади.

Колхозлар, шунингдек, ердан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси ердан самарали фойдаланишлари, уни эҳтиёт қилишлари, унинг унумдорлигини оширишлари керак.

13-модда. Меҳнат билан топилган даромадлар Ўзбекистон ССР гражданлари шахсий мулкининг негизидир. Шахсий мулкда рўзғор ашёлари, шахсий истеъмол буюмлари, қулайлик ва уйдаги ёрдамчи хўжалик буюмлари, турар-жой ва меҳнат жамғармалари бўлиши мумкин. Гражданларнинг шахсий мулки ва мулкка ворислик ҳуқуқи давлат томонидан қўриқланади.

Гражданлар ёрдамчи хўжалик юритиш (шу жумладан мол ва парранда боқиш), боғдорчилик ва сабзавотчилик қилиш учун, шунингдек якка тартибда уй-жой қуриш учун қонунда белгиланган тартибда бериладиган ер участкаларидан фойдаланишлари мумкин. Гражданлар ўзларига берилган ер участкаларидан оқилона фойдаланишга мажбурдирлар. Давлат ва колхозлар ёрдамчи хўжаликни юритишда гражданларга кўмаклашадилар.

Гражданларнинг шахсий мулкида бўлган ёки тасарруфида бўлган мол-мулк меҳнатсиз даромад олиш учун хизмат қилмаслиги, ундан жамият манфаатларига зарар келтирадиган тарзда фойдаланилмаслиги керак.

14-модда. Совет кишиларининг эксплуатациядан озод меҳнати ижтимоий бойликни кўпайтириш, халқнинг ва ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ошириш манбаидир.

Социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципига мувофиқ давлат меҳнат ва истеъмол меъёрини контрол қилиб туради. Солиқ солиниши керак бўлган даромадлардан олинадиган солиқ миқдорини давлат белгилаб беради.

Ижтимоий фойдали меҳнат ва унинг натижалари кишининг жамиятдаги мавқеини белгилайди. Давлат моддий ва маънавий стимулларни уйғунлаштириб, новаторликни, ишга ижодий муносабатни рағбатлантириб, меҳнатни ҳар бир совет кишисининг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга ёрдам беради.

15-модда. Кишиларнинг ўсиб борувчи моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадидир.

Давлат меҳнаткашларнинг ижодий активлигига, социалистик мусобақага, фан-техника тараққиётининг муваффақиятларига таяниб, экономикага раҳбарликнинг форма ва методларини такомиллаштириб, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини оширишни, халқ хўжалигининг узлуксиз, планли ва мутаносиб ривожланиб боришини таъминлайди.

16-модда. Ўзбекистон ССР экономикаси СССР территориясидаги ягона умумий ишлаб чиқаришнинг, тақсимот ва айирбошлашнинг барча бўғинларини ўз ичига олган яхлит халқ хўжалик комплексининг таркибий қисмидир.

Экономикага раҳбарлик ижтимоий ва социал ривожлантириш давлат планлари асосида, тармоқ ва территориал принципларни ҳисобга олган ҳолда, марказлаштирилган бошқарувни корхоналар, бирлашмалар ва бошқа ташкилотларнинг хўжалик юритишдаги мустақиллиги ва ташаббускорлиги билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бунда хўжалик ҳисоби, фойда, таннарх, бошқа иқтисодий воситалар ва стимуллар актив ишга солинади.

17-модда. Ўзбекистон ССРда касб-корлик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида якка тартибдаги меҳнат фаолиятига, шунингдек гражданларнинг ва гражданлар онла аъзоларининг фақат шахсий меҳнатига асосланган бошқа турлардаги фаолиятга қонунга мувофиқ йўл қўйилади. Давлат шахсий меҳнат фаолиятини тартибга солиб, ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланишни таъминлайди.

18-модда. Ўзбекистон ССРда ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ер ва ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва улардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш ва инсоннинг атроф-муҳитини яхшилаш учун зарур чоралар кўрилади.

3 боб

СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАДАНИЯТ

19-модда. Ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи Ўзбекистон ССРнинг социал негизидир.

Давлат жамиятнинг социал бир хиллигини мустаҳкамлашга — синфий тафовутларни, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотишга, СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантиришга ва яқинлаштиришга кўмаклашади.

20-модда. Давлат «Ҳар бир кишининг эркин камол топиши ҳамманинг эркин камол топиши шартидир» деган коммунистик идеалга мувофиқ гражданларнинг ўз ижодий кучларини, қобилиятларини ва истеъдодларини ишга солишлари учун, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун реал имкониятларни кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

21-модда. Давлат меҳнат шароитини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, уни илмий ташкил этиш тўғрисида, халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида оғир жисмоний меҳнатни қисқартириш, кейинчалик бутунлай тугатиш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

22-модда. Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш; қишлоқ жойларида халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал хўжалик муассасаларининг тармоқларини кенгайтириш; қишлоқ ва овулларни обод посёлкаларга айлантириш программаси изчиллик билан амалга оширилади.

23-модда. Давлат меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида меҳнаткашларнинг меҳнат ҳақи, реал даромадлари даражасини кўпайтириш йўлини оғишмай амалга оширади.

Совет кишиларининг эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш мақсадида ижтимоий истеъмол фондлари вужудга келтирилади. Давлат жамоат ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг кенг иштироки билан шу фондларни кўпайтиришни ва одилона тақсимлашни таъминлаб туради.

24-модда. Ўзбекистон ССРда соғлиқни сақлаш, социал таъминот, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал хўжалик давлат системалари ишлаб турибди ва ривожланмоқда.

Давлат аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини рағбатлантиради. Давлат оммавий физкультура ва спортни ривожлантиришга кўмаклашади.

25-модда. Ўзбекистон ССРда халқ маорифининг ягона системаси мавжуд бўлиб, такомиллаштирилмоқда, у гражданларга умумий таълим бериш ва касб-ҳунар ўргатишни таъминлайди, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга, маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топтиришга хизмат қилади, уларни меҳнатга ва ижтимоий фаолиятга тайёрлайди.

26-модда. Давлат жамиятнинг эҳтиёжларига мувофиқ фанни планли равишда ривожлантиришни ва илмий кадрлар тайёрлашни таъминлайди, илмий тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига жорий этишни ташкил қилади.

27-модда. Давлат совет кишиларини ахлоқий ва эстетик тарбиялаш, уларнинг маданий савиясини ошириш учун маънавий бойликларни қўриқлаш, кўпайтириш ва улардан кенг фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон ССРда профессионал санъатни ва халқ бадиий ижодкорлигини ривожлантириш ҳар жиҳатдан рағбатлантирилади.

4 боб

ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ ВА СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

28-модда. Ўзбекистон ССР ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида СССР Конституциясида белгиланган ташқи сиёсат мақсадлари, вазифалари ва принципларига амал қилади.

Урушни пропаганда қилиш Ўзбекистон ССРда ман этилади.

29-модда. СССР Конституциясига мувофиқ социалистик Ватанни ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим функцияларига киради ва бутун халқнинг ишидир.

Социалистик ғалабаларни, совет халқининг тинч меҳнатини, давлатнинг суверенитетини ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш мақсадида СССР Қуролли Кучлари барпо қилинган ва умумий мажбурий ҳарбий хизмат жорий этилган.

СССР Қуролли Кучларининг халқ олдидаги бурчи — социалистик Ватанни пухта ҳимоя қилиш, ҳар қандай агрессорга дарҳол зарба беришни гарантиялайдиган даражада доимий жанговар тайёр бўлиб туришдир.

30-модда. Ўзбекистон ССР мамлакатнинг ҳавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлашда, СССРнинг Қуролли Кучларини барча зарур нарсалар билан қуроллантиришда иштирок этади.

Давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг, мансабдор шахсларнинг ва гражданларнинг мамлакат ҳавфсизлигини таъминлашга ва унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга доир бурчлари СССР Иттифоқи қонунлари билан белгиланади.

II. ДАВЛАТ ВА ШАХС

5 боб

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИГИ, ГРАЖДАНЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИГИ

31-модда. СССРда белгилаб қўйилган ягона иттифоқ гражданлигига мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир граждани СССР гражданидир.

Совет граждани бўлиш ва совет гражданлигидан маҳрум бўлиш асослари ва тартиби СССР гражданлиги тўғрисидаги Қонун билан белгиланади.

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари Ўзбекистон ССР территориясида Ўзбекистон ССР гражданлари билан бир хилдаги ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ўзбекистон ССР гражданлари чет элларда Совет давлати ҳимояси ва паноҳида бўлади.

32-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари ўзларининг наслнасабидан, социал ва мулкий мавқеидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характери, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.

Иқтисодий, сиёсий, социал ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Ўзбекистон ССР гражданларининг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади.

33-модда. Ўзбекистон ССРда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши хотин-қизларга илм олишда ва касб-ҳунар ўрганишда, меҳнатда, меҳнат учун ҳақ тўлашда ва ишда кўтарилишда, ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятда эркаклар билан тенг имкониятлар бериб қўйиш, шунингдек хотин-қизларнинг меҳнатини ва соғлиғини сақлашга доир махсус чоралар кўриш; меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш; оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ҳомиладор хотинларга ва оналарга ҳақ тўланадиган отпускалар ва бошқа имтиёзлар бериш, ёш болали аёлларнинг иш вақтини аста-секин қисқартириб бориш йўли билан таъминланади.

Хотин-қизларнинг илм олиш, касб-ҳунар танлаш, давлат ҳаётида, ижтимоий ва маданий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқларини, шунингдек уларнинг оила ва турмушдаги ҳуқуқларини камситиб, тенг ҳуқуқлилигини бузиш қонунга мувофиқ жазоланади.

34-модда. Турли ирқ ва миллатларга мансуб Ўзбекистон ССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама камол топтириш ва яқинлаштириш сиёсати билан, гражданларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш билан, она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланишга имкон берилиши билан таъминланади.

Ҳуқуқларни ҳар қандай бўлмасин тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чеклаш, ирқий ва миллий белгиларига қараб, гражданларга тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан имтиёзлар бериш, шунингдек ирқий ёки миллий мутозликни, адоватни ёки камситишни ҳар қандай тарзда қилиш қонунга мувофиқ жазоланади.

35-модда. Ўзбекистон ССРда чет эл гражданларига ва гражданлиги бўлмаган шахсларга қонунда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлар, шу жумладан ўзларига тегишли шахсий, мулкий, оилавий ва бошқа ҳуқуқларни ҳимоя қилмоқ учун судга ва давлатнинг бошқа органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи гарантияланади.

Ўзбекистон ССР территориясидаги чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахслар СССР Конституциясини, Ўзбекистон ССР Конституциясини ҳурматлашга ва совет қонунларига риоя қилишга мажбурдирлар.

36-модда. Меҳнаткашларнинг манфаатларини ва тинчлик ишини ҳимоя қилганликлари учун, революцион ва миллий-озодлик ҳаракатида қатнашганликлари учун, прогрессив ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бошқа ижодий фаолият учун таъқиб қилинаётган ажнабийларга Ўзбекистон ССР бошпана ҳуқуқини беради.

6 боб

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

37-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари СССР Конституциясида, Ўзбекистон ССР Конституциясида ва совет қонунларида эълон қилинган ва гарантияланган социал-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларнинг ҳаммасига тўлиқ эгадирлар. Социалистик тузум социал-иқтисодий ва маданий ривожланиш программалари бажарила борган сари гражданларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини кенгайтиришни, уларнинг турмуш шароитини узлуксиз яхшилаб боришни таъминлайди.

Гражданларнинг ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланишлари жамият ва давлатнинг манфаатларига, бошқа гражданларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслиги керак.

38-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари меҳнат қилиш ҳуқуқига, яъни меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ва камида давлат томонидан белгиланган минимал миқдорда ҳақ тўланадиган ва гарантияланган иш олиш ҳуқуқига, шу жумладан ўзларининг лаёқатларига, қобилиятларига, касб-ҳунар малакаларига, билимларига мувофиқ равишда ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб, машғулот ва иш танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ социалистик хўжалик системаси билан, ишлаб чиқарувчи кучларни муттасил ўстириш билан, текинга касб ўргатиш билан, меҳнат малакасини ошириш ва янги ихтисосларни ўргатиш билан, касб танлаш ва ишга жойлаштириш системаларини ривожлантириш билан таъминланади.

39-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари дам олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ ишчи ва хизматчилар учун 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгиланиши билан, бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар учун қисқартирилган иш куни билан, тунги пайтларда қисқартирилган иш вақти билан; ҳар йили ҳақ тўланадиган отпускалар бериш билан, ҳар ҳафта дам олиш кунлари бериб туриш билан, шунингдек маданий-оқартув ва соғломлаштириш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, оммавий спортни, физкультурани ва туризмни ривожлантириш билан; истиқомат жойида дам олиш учун қулай имкониятлар ҳамда бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун бошқа шароитлар яратиш билан таъминланади.

Колхозчилар иш вақтининг ва дам олиш вақтининг муддатини колхозлар белгилайди.

40-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари соғлиқларини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан текин малакали медицина ёрдами берилиши билан; гражданларни даволаш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган муассасаларни кўпайтириш билан; хавфсизлик техникасининг ва ишлаб чиқариш санитариясининг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши билан; кенг профилактика тадбирларини ўтказиш билан; атроф муҳитни соғломлаштириш тадбирларини кўриш билан; ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш, шу жумладан ўқитишга ва меҳнат тарбиясига тааллуқли бўлмаган болалар меҳнатини тақиқлаш билан; касалликнинг олдини олиш ва уни камайтиришга, гражданларнинг узоқ йил актив ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни кенг авж олдириш билан таъминланади.

41-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари қариган чоғда, касал бўлиб қолганларида, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганларида, шунингдек боқувчисиз қолганларида моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларни социал страхование қилиш билан, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганида нафақалар тўлаш билан; ёшига қараб, инвалидлик учун ва боқувчисиз қолганда давлат ва колхозлар ҳисобидан пенсиялар тўлаш билан; меҳнат қобилиятини қисман йўқотган гражданларни ишга жойлаштириш билан; қариб қолган гражданларга ва инвалидларга ғамхўрлик қилиш билан; социал таъминотнинг бошқа формалари билан гарантияланади.

42-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ давлат ва жамоат уй-жой фондини ривожлантириш ва қўриқлаш билан, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишига кўмаклашиш билан, обод уй-жой қурилиши программаси амалга оширила борган сари бериб бориладиган уй-жой майдонини жамоатчилик контроли остида одилона тақсимлаш билан, шунингдек квартира ва коммунал хизмат ҳақининг камлиги билан таъминланади. Ўзбекистон ССР гражданлари ўзларига бериб қўйилган уй-жойларни авайлаб сақлашлари керак.

43-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ илм олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим бериш амалга оширилиши, ўқитишни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаш асосида ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълимни кенг ривожлантириш билан; сиртқи ва кечки таълимни ривожлантириш билан; ўқувчиларга ва студентларга давлат стипендиялари ва имтиёзлар бериш билан; мактаб дарсликларини текин бериш билан; мактабда она тилида ўқитиш имкониятини яратиб бериш билан; мустақил билим олиш учун шароит яратиб бериш билан таъминланади.

44-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ Ватан ва жаҳон маданиятининг давлат ва жамоат фондларида сақланаётган бойликларидан ҳаммани баҳраманд қилиш билан; Ўзбекистон ССР территориясида маданий-оқартув муассасаларини ривожлантириш ва бир текис жойлаштириш билан; телевидение ва радиони, китоб нашр қилиш ишини ва вақтли матбуотни, текин кутубхоналар шохобчаларини ривожлантириш билан; чет давлатлар билан маданий алоқаларни кенгайтириш билан таъминланади.

45-модда. Коммунистик қурилиш мақсадларига мувофиқ Ўзбекистон ССР гражданларига илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги гарантияланади. Бу эркинлик илмий тадқиқотларни, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини кенг авж олдириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш билан таъминланади. Давлат бунинг учун зарур моддий шароитларни яратиб беради, кўнгилли жамиятларни ва ижодий союзларни қўллаб-қувватлаб туради, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини халқ хўжалигига ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига жорий этишни ташкил қилади.

Авторлар, ихтирочилар ва рационализаторларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кўриқланади.

46-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик қонунлар ва қарорларни муҳокама этиш ва қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ халқ депутатлари Советларига ва сайлаб қўйиладиган бошқа давлат органларига сайлаш ва сайланиш, умумхалқ муҳокамаларни ва овоз беришда, халқ контролида, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва кўнгилли жамоат органлари ишида, меҳнат коллективлари ҳамда истиқомат жойидаги йиғилишларда қатнашиш имконияти билан таъминланади.

47-модда. Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир граждани давлат органларининг ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида уларга таклифлар киритиш, ишдаги камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқига эгадир.

Мансабдор шахслар гражданларнинг таклифларини ва аризаларини белгиланган муддатларда кўриб чиқишга, уларга жавоб бериш ва зарур чоралар кўришга мажбурдирлар.

Танқид учун таъқиб қилиш тақиқланади. Танқид учун таъқиб этувчи шахслар жавобгарликка тортилади.

48-модда. Халқнинг манфаатларига мувофиқ ва социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ССР гражданларига сўз, матбуот, йиғилишлар, митинглар, кўчаларда намойишлар қилиб юриш эркинликлари гарантияланади.

Бу сиёсий эркинликларни амалга ошириш меҳнаткашларга ва уларнинг ташкилотларига жамоат биноларини, кўчалар ва майдонларни бериб қўйиш, ахборотни кенг тарқатиш, матбуот, телевидение ва радиодан фойдаланиш имкониятини бериб қўйиш билан таъминланади.

49-модда. Коммунистик қурилиш мақсадларига мувофиқ Ўзбекистон ССР гражданлари сиёсий активликни ва ташаббускорликни ривожлантиришга, ўзларининг хилма-хил манфаатларини қондиришга кўмаклашувчи жамоат ташкилотларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамоат ташкилотларига ўз уставларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун шарт-шароит гарантияланади.

50-модда. Ўзбекистон ССР гражданларининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки бирон динга ҳам эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ёки атеистик пропаганда олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади. Диний эътиқодлар туфайли адоват ва нафрат қўзғатиш тақиқланади.

Ўзбекистон ССРда дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилган.

51-модда. Оила давлат ҳимоясидадир.

Никоҳ аёл билан эркакнинг ихтиёрий келишувига асосланади; оилавий муносабатларда эр-хотин тўла тенг ҳуқуқлидирлар.

Болалар муассасаларининг кенг шохобчаларини барпо қилиш ва ривожлантириш, маиший хизмат кўрсатишни ва умумий овқатланишни ташкил этиш ва такомиллаштириш, бола туғилганида нафақа тўлаш, кўп болали оилаларга нафақалар ва имтиёзлар бериш, шунингдек оилага бошқа турдаги нафақа ва ёрдам бериш йўли билан давлат оила тўғрисида ғамхўрлик қилади.

52-модда. Ўзбекистон ССР гражданларига шахс дахлсизлиги гарантияланади. Суднинг қарорисиз ёки прокурорнинг рухсатисиз ҳеч ким қамоққа олиниши мумкин эмас.

53-модда. Ўзбекистон ССР гражданларига уй-жойининг дахлсизлиги гарантияланади. Истиқомат қилувчиларнинг розилигисиз уларнинг уйига қонуний асоси бўлмай туриб киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

54-модда. Гражданларнинг шахсий ҳаёти, ёзишмалари сири, телефонда айтилган гапларининг ва телеграфда берилган хабарларининг сири қонун билан қўриқланади.

55-модда. Шахсни ҳурматлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаш — барча давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг ва мансабдор шахсларнинг бурчидир.

Ўзбекистон ССР гражданлари ор-номусларига ва қадр-қимматларига, ўз ҳаётларига ва соғлиқларига, шахсий эркинликлари ва мол-мулкларига тажовузлардан суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

56-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари мансабдор шахсларнинг, давлат ва жамоат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Мансабдор шахсларнинг қонунни бузувчи, ўз ваколатларини суиистеъмол қилувчи, гражданларнинг ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон ССР гражданлари давлат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қилган ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлари етказган зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

57-модда. Гражданинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилиши унинг ўз бурчларини бажариши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон ССР граждани СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига ва совет қонунларига риоя қилиши, социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаши, совет граждани деган юксак номга муносиб бўлиши шарт.

58-модда. Ижтимоий фойдали фаолиятнинг ўзи танлаб олган соҳасида ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат интизомига риоя қилиш — меҳнатга лаёқатли ҳар бир Ўзбекистон ССР гражданининг бурчи ва шарафли ишидир. Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш социалистик жамият принципларига хилофдир.

59-модда. Ўзбекистон ССР граждани социалистик мулкни асраши ва мустаҳкамлаши шарт. Давлат ва жамоат мулкини талон-торож ва исроф қилишга қарши курашиш, халқ бойлигини асраш — Ўзбекистон ССР гражданининг бурчидир.

Социалистик мулкка тажовуз қилувчи шахслар қонун билан жазоланадилар.

60-модда. Ўзбекистон ССР граждани Совет давлатининг манфаатларини ҳимоя қилиши, унинг қудратини ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир Ўзбекистон ССР гражданининг муқаддас бурчидир.

Ватанга хиёнат — халқ олдидаги энг оғир жиноятдир.

61-модда. СССР Қуролли Кучлари сафларида ҳарбий хизмат қилиш — Ўзбекистон ССР гражданларининг фахрли бурчидир.

62-модда. Бошқа гражданларнинг миллий қадр-қимматини ҳурматлаш, кўп миллатли Совет давлати миллатларининг ва элатларининг дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар бир Ўзбекистон ССР гражданининг бурчидир.

63-модда. Ўзбекистон ССР граждани бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳурматлаши, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлиши, жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашиши шарт.

64-модда. Ўзбекистон ССР гражданларн болаларини тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаши, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстириши шарт. Болалар ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари ва уларга ёрдам бериб туришлари шарт.

65-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлашлари шарт.

66-модда. Тарихий ёдгорликларни ва бошқа маданий бойликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Ўзбекистон ССР гражданларининг бурчи ва вазифасидир.

67-модда. Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, яъни тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш — Ўзбекистон ССР гражданининг интернационал бурчидир.

III. ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ВА МАЪМУРИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ ТУЗИЛИШИ

7 боб

ЎЗБЕКИСТОН ССР — СССР СОСТАВИДАГИ ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКА

68-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси — суверен Совет Социалистик давлатидир. Коммунистик жамиятни муваффақиятли қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш, ҳавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш мақсадлари йўлида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси миллатларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши натижасида, иктиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида қуйидаги Совет Социалистик республикалари:

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси,
Украина Совет Социалистик Республикаси,
Белоруссия Совет Социалистик Республикаси,
Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси,
Грузия Совет Социалистик Республикаси,
Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси,
Литва Совет Социалистик Республикаси,
Молдавия Совет Социалистик Республикаси,
Латвия Совет Социалистик Республикаси,
Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси,
Тожикистон Совет Социалистик Республикаси,
Арманистон Совет Социалистик Республикаси,
Туркманистон Совет Социалистик Республикаси,
Эстония Совет Социалистик Республикаси билан ягона кўп миллатли Иттифоқ давлати — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашган.

Ўзбекистон ССР, шунга биноан ССР Иттифоқининг ўз давлат ҳокимияти ва бошқарувн олий органлари орқали СССР Конституциясининг 73-моддасида белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлайди.

СССР Конституциясининг 73-моддасида кўрсатилган доирадан ташқарида Ўзбекистон ССР ўз территориясида давлат ҳокимиятини мустақил равишда амалга оширади.

69-модда. Ўзбекистон ССР ўз эрки билан СССРдан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

70-модда. Ўзбекистон ССРнинг территорияси унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Ўзбекистон ССР билан бошқа иттифоқдош республикалар ўртасидаги чегаралар тегишли республикаларнинг ўзаро келишуви билан ўзгартирилиши мумкин, бу келишув ССР Иттифоқи томонидан тасдиқланиши керак.

71-модда. Ўзбекистон ССР ўзининг областларга, районларга бўлинишини белгилайди ва маъмурий-территориал тузилишнинг бошқа масалаларини ҳал этади.

72-модда. Ўзбекистон ССР ССР Иттифоқи ихтиёридаги масалаларнинг СССР Олий Советида, СССР Олий Совети Президиумида, СССР ҳукуматида ва СССР Иттифоқининг бошқа органларида ҳал этилишида қатнашади.

Ўзбекистон ССР ўз территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайди, шу территорияда ССР Иттифоқи ваколатлари амалга оширилишига кўмаклашади, СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг қарорларини бажаради.

Ўзбекистон ССР ўз ихтиёридаги масалалар юзасидан Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда контрол қилади.

73-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси составига Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси киради. Ўзбекистон ССР: Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм областларидан ва республикага бўйсунувчи Тошкент шаҳридан иборат.

74-модда. Ўзбекистон ССРнинг ўз давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари орқали амалга оширадиган ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий Қонуни)

(Бошн 1 ва 2-бетларда)

3) Ўзбекистон ССР составида янги автоном республикалар тузиб, СССР Олий Советининг тасдиғига ҳавола қилиш;
4) Ўзбекистон ССР қонунларини чиқариш;
5) давлат тартибини, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш;
6) давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика ҳамда маҳаллий органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгилаш;
7) ягона социал-иқтисодий сиёсат юргизиш, Ўзбекистон ССР экономикасига раҳбарлик қилиш; фан-техника тараққиётини ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилиши тадбирларини таъминлаш;
8) Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планларини, Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш; Қорақалпоғистон АССР давлат бюджетининг, областлар, Тошкент шаҳри бюджетларининг ижро этилишига раҳбарлик қилиш;
9) ССР Иттифоқи қонунларига биноан Ўзбекистон ССР Давлат бюджетига тушадиган даромадларни белгилаш;
10) халқ хўжалигининг иттифоқ-республика ва республика бўйсунувидаги тармоқларига, республикага бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналарга раҳбарлик қилиш;
11) ердан, ер ости бойликларидан, ўрмонлардан, сувлардан фойдаланиш тартибини белгилаш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
12) уй-жой ва коммунал хўжалигига, савдо ва умумий овқатланишга, аҳолига маиший хизмат кўрсатилишига, уй-жой қурилишига ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ободончилигига, йўл қурилишига ва транспортга раҳбарлик қилиш;
13) Ўзбекистон ССР халқ маорифига, маданий ва илмий ташкилотлари ҳамда муассасаларига, соғлиқни сақлашга, физкультура ва спортга, социал таъминотга раҳбарлик қилиш; тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш;
14) Ўзбекистон ССР судлари ҳукм этган гражданларни авф этиш ва гуноҳидан ўтиш;
15) халқаро муносабатларда Ўзбекистон ССР номидан вакиллик қилиш;
16) республика аҳамиятига эга бўлган бошқа масалаларни ҳал этиш.

75-модда. СССР қонунлари Ўзбекистон ССР территориясида мажбурийдир.

76-модда. Ўзбекистон ССР чет давлатлар билан алоқа боғлаш, улар билан шартномалар тузиш ҳамда дипломатия ва консуллик вакиллари айирбошлаш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

77-модда. Ўзбекистон ССРнинг суверен ҳуқуқлари СССР Конституциясига биноан ССР Иттифоқи томонидан қўриқланади.

8 боб

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

78-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси составидаги совет социалистик давлат бўлиб, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР ҳуқуқлари доирасига кирмайдиган ўз ихтиёридаги масалаларни мустақил ҳал этади.

Қорақалпоғистон АССР СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ бўлган ҳамда автоном республиканинг хусусиятларини ҳисобга олган ўз Конституциясига эга.

79-модда. Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР ва ССР Иттифоқи ихтиёридаги масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон ССР ва ССР Иттифоқининг тегишли давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви олий органлари орқали қатнашади.

Қорақалпоғистон АССР ўз территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайди, шу территорияда ССР Иттифоқи ва Ўзбекисон ССР ваколатлари амалга оширилишига кўмаклашади. СССР ва Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви олий органларининг қарорларини бажаради.

Қорақалпоғистон АССР ўз ихтиёридаги масалалар юзасидан иттифоқ ва республикага (Ўзбекистон ССРга) бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда контрол қилади.

80-модда. Қорақалпоғистон АССР территорияси унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

81-модда. Ўзбекистон ССР қонунлари Қорақалпоғистон АССР территориясида мажбурийдир. Қорақалпоғистон АССР қонуни Ўзбекистон ССР қонунидан фарқ қилган тақдирда Ўзбекистон ССР қонуни амал қилади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ ВА УЛАРНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

9 боб

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ СИСТЕМАСИ ВА ФАОЛИЯТИ ПРИНЦИПЛАРИ

82-модда. Халқ депутатлари Советлари — Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари — давлат ҳокимияти органларининг ягона системасини ташкил этади.

83-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг ваколат муддати — беш йил.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ваколат муддати икки ярим йил.

Халқ депутатлари Советларига сайлов тегишли Советларнинг ваколат муддати тугашидан камида икки ой илгари тайинланади.

84-модда. Халқ депутатлари тегишли Советларининг ихтиёрига берилган энг муҳим масалалар уларнинг сессияларида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Халқ депутатлари Советлари доимий комиссияларни сайлайдилар, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларни, шунингдек уларга ҳисоб берадиган бошқа органларни тузадилар.

85-модда. Халқ депутатлари Советлари давлат контролини корхоналар, колхозлар, муассасалар ва ташкилотлардаги меҳнаткашларнинг жамоат контроли билан уйғунлаштирувчи халқ контроли органларини тузадилар.

Халқ контроли органлари давлат планлари ва топшириқларининг бажарилишини контрол қиладилар; давлат интизомини бузишга, маҳаллийчилик, ишга маҳкамачилик назари билан қараш кўринишларига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка, сансалорлик ва бюрократизмга қарши курашадилар; давлат аппарати ишини такомиллаштиришга кўмаклашадилар.

86-модда. Халқ депутатлари Советлари бевосита ёки ўзлари тузган органлар орқали давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларига раҳбарлик қиладилар, қарорлар қабул қиладилар, уларнинг ижросини таъминлайдилар, қарорларнинг амалга оширилишини контрол қиладилар.

87-модда. Халқ депутатлари Советларининг фаолияти масалаларни коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларнинг, Советлар тузадиган бошқа органларнинг Советларга ва аҳолига мунтазам ҳисоб бериб туриши, уларнинг ишига гражданларни кенг кўламда қатнаштириш асосида қурилади.

Халқ депутатлари Советлари ва улар тузадиган органлар ўз ишлари ва қабул қилган қарорлари ҳақида аҳолини мунтазам хабардор қилиб турадилар.

10 боб

САЙЛОВ СИСТЕМАСИ

88-модда. Халқ депутатларининг ҳамма Советларига депутатлар сайлаш умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

89-модда. Депутатлар сайлаш умумийдир: Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган барча гражданлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар, ақлдан озганлиги қонунда белгиланган тартибда аниқланган кишилар бундан мустаснодир.

90-модда. Депутатлар сайлаш тенгдир: ҳар бир сайловчи бир овозга эгадир, ҳамма сайловчилар сайловда тенг асосда иштирок этадилар.

91-модда. Депутатлар тўппа-тўғри сайланади: халқ депутатларининг барча Советларига депутатларни гражданлар бевосита сайлайдилар.

92-модда. Депутатлар сайлашда яширин овоз берилади: сайловчиларнинг ўз истакларини билдиришини контрол қилишга йўл қўйилмайди.

93-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, касаба союзларининг, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг ташкилотларига, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига, шунингдек ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчилар йиғилишларига берилади.

Ўзбекистон ССР гражданларининг ва жамоат ташкилотларининг депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий сифатларини эркин ва ҳар тарафлама муҳокама қилиши, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение, радио орқали агитация қилиш ҳуқуқи гарантияланади.

Халқ депутатлари Советларига сайлов билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлади.

94-модда. Халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлаш сайлов округлари бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон ССР граждани, қонда тариқасида, халқ депутатларининг иккитадан ортиқ Советига сайланиши мумкин эмас.

Жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари вакилларидан ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишлари вакилларидан тузиладиган сайлов комиссиялари Советларга сайлов ўтказишни таъминлайдилар.

Халқ депутатлари Советларига сайлов ўтказиш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР қонунлари билан, Қорақалпоғистон АССРда эса, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

95-модда. Сайловчилар ўз депутатларига наказлар берадилар.

Халқ депутатларининг тегишли Советлари сайловчиларнинг наказларини кўриб чиқадилар, иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш ва бюджетни тузишда уларни ҳисобга оладилар, наказларнинг бажарилишини ташкил этадилар ва наказлар қандай бажарилганлигидан гражданларни хабардор қиладилар.

II боб

ХАЛҚ ДЕПУТАТИ

96-модда. Депутатлар халқ депутатлари Советларида халқнинг мухтор вакилларидир.

Депутатлар Советларининг ишида қатнашиб, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этадилар, Советларнинг қарорларини амалга оширишни ташкил қиладилар, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иши устидан контроллик қиладилар.

Депутат ўз фаолиятида умумдавлат манфаатларига амал қилади, сайлов округи аҳолисининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олади, сайловчиларнинг наказларини амалга оширишга эришади.

97-модда. Депутат ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширади.

Совет сессиялари вақтида, шунингдек депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда депутат ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниб, унинг доимий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

98-модда. Депутат тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир, улар сўровга Совет сессиясида жавоб беришлари шарт.

Депутат барча давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга депутатлик фаолияти масалалари юзасидан мурожаат қилишга ва ўзи қўйган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир. Тегишли давлат ва жамоат органларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари депутатни дарҳол қабул қилишга ва унинг таклифларини белгиланган муддатларда кўриб чиқишга мажбурдирлар.

99-модда. Депутатга ўз ҳуқуқлари ва вазифаларини ҳеч монесиз ва самарали амалга ошириш учун шарт-шароит таъминлаб берилади.

Депутатларнинг даҳлсизлиги, шунингдек депутатлик фаолиятининг бошқа тарантиялари депутатлар статуси тўғрисидаги Қонунда ҳамда ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларида, Қорақалпоғистон АССРда эса Қорақалпоғистон АССР қонунларида ҳам белгиланади.

100-модда. Депутатлар ўз иши ва Советнинг иши тўғрисида сайловчилар олдида, шунингдек уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган коллективлар ва жамоат ташкилотлари олдида ҳисоб бериб туриши шарт.

Сайловчиларнинг ишончини оқламаган депутат сайловчилар кўпчилигининг қарори билан қонунда белгиланган тартибда исталган вақтда чақириб олиниши мумкин.

V. ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ВА БОШҚАРУВИНИНГ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИ

12 боб

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ

101-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий органи Ўзбекистон ССР Олий Советидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети СССР Конституциясига ва ушбу Конституцияга биноан Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни ҳал этишга ҳақлидир.

Ўзбекистон ССРнинг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар киритиш; Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларини, Ўзбекистон ССР давлат бюджетини ва уларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш; Ўзбекистон ССРнинг ўзига ҳисоб берадиган органларини тузиш фақат Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон ССР қонунлари Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан ёки Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорига биноан ўтказиладиган халқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилинади.

102-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети аҳолиси сони тенг бўлган сайлов округларидан сайланадиган 510 депутатдан иборат бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзи сайлаган мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида, сайлов тўғрисидаги қонунлар бузилган тақдирда эса — айрим депутатларнинг сайланишини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор қабул қилади.

103-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини ва унинг тўрт ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларига раҳбарлик қилади ва унинг ички тартибини бошқаради.

104-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиялари йилига икки марта чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан ўз ташаббуси билан ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси Олий Советнинг мажлисларидан, шунингдек мажлислар ўртасидаги даврда ўтказиладиган Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари ва бошқа комиссияларининг мажлисларидан иборат бўлади.

105-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советига қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Қорақалпоғистон Автоном Республикасига ўз давлат ҳокимияти олий органи орқали, Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларига ва бошқа комиссияларига, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатларига, Ўзбекистон ССР Олий Судига, Ўзбекистон ССР Прокурорига берилади.

Жамоат ташкилотлари ҳам ўзларининг республика органлари орқали қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

106-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритилган қонунларнинг лойиҳалари ва бошқа масалалар унинг мажлисларида муҳокама қилинади. Зарурат туғилган ҳолда қонун лойиҳаси ёки тегишли масала дастлабки тарзда ёхуд қўшимча равишда кўриб чиқиш учун бир ёки бир неча комиссияга топширилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа актларини ёқлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овоз берган тақдирда улар қабул этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари ва республиканинг давлат ҳаётига оид бошқа муҳим масалалар Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарори билан халқ муҳокамасига қўйилиши мумкин.

107-модда. Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа актлари ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон АССР учун эса қорақалпоқ тилида ҳам, Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиуми Раиси ва Секретарининг имзолари билан эълон қилинади.

108-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, министрларга ва Ўзбекистон ССР Олий Совети тузадиган бошқа органларнинг раҳбарларига, шунингдек Ўзбекистон ССР территориясида жойлашган Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган масалалар юзасидан сўров билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ёки сўров тааллуқли бўлган мансабдор шахс Ўзбекистон ССР Олий Советининг мазкур сессиясида оғзаки ёки ёзма жавоб беришлари шарт.

109-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўзбекистон ССР Олий Советининг розилигисиз, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд йўли билан бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

110-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини — Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий ишлайдиган, ўзининг бутун фаолияти тўғрисида унга ҳисоб берадиган, унинг сессиялари ўртасидаги даврда Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий органи вазифаларини Конституцияда кўзда тутилган доираларда амалга оширадиган доимий органини сайлайди.

111-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми депутатлар орасидан Олий Совет Президиумининг Раиси, Раисниг икки ўринбосари (Раис ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон АССРдан бўлади), Президиум Секретари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўн етти аъзосидан иборат қилиб сайланади.

112-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми:
1) Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар ўтказишни тайинлайди;
2) Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларини чақиради;
3) Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;
4) Ўзбекистон ССР Конституциясига риоя этилишини контрол қилади ва Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига мувофиқ бўлишини таъминлайди;
5) район (шаҳар) халқ судларига сайлов ўтказишни тайинлайди;
6) Ўзбекистон ССР қонунларини талқин қилади;
7) халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
8) Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-территориал тузилиши масалаларини ҳал этиш тартибини белгилайди; Қорақалпоғистон АССРнинг районларга бўлинишини тасдиқлайди; областларнинг чегараларини ва районларга бўлинишини белгилайди ва ўзгартиради; районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар, овулларни тузади; шаҳарларнинг бўйсунишини белгилайди; районларнинг, шаҳарларнинг, шаҳардаги районларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг, овулларнинг ва бошқа аҳоли пунктларининг номларини ўзгартиради;
9) Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг қарор ва фармойишлари, халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Советининг қарорлари қонунга мувофиқ бўлмаса, уларни бекор қилади;
10) Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонларини белгилайди ва беради; Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлайди;
11) Ўзбекистон ССР гражданлигига қабул қилади; бошпана бериш ҳақидаги масалани ҳал этади;
12) Ўзбекистон ССР судлари томонидан ҳукм қилинган гражданларни афв этади;
13) Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилади;
14) Ўзбекистон ССРнинг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик вакилларини тайинлайди ва чақириб олади;
15) ўз ҳузуридаги чет давлатлар дипломатик вакилларининг ишонч ёрлиқларини ва чақириб олиниш ёрлиқларини қабул қилади;
16) Ўзбекистон ССР Конституциясида ва қонунларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

113-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Олий Совет сессиялари ўртасидаги даврда кейинчалик навбатдаги сессия тасдиғига киритиш шарти билан:
1) зарурат туғилган тақдирда Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларига ўзгаришлар киритади;
2) Қорақалпоғистон АССР чегараси ўзгаришини тасдиқлайди, янги областларни тузади;
3) Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг таклифига биноан Ўзбекистон ССР министрликлари ҳамда Ўзбекистон ССР давлат комитетларини тузади ва тугатади;
4) Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киритадиган айрим шахсларни лавозимидан озод қилади ва тайинлайди.

114-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармонлар чиқаради ва қарорлар қабул қилади.

115-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ваколати тамом бўлганидан кейин Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми янги сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан янги Президиум тузилгунга қадар ўз ваколатларини сақлайди.

Ўзбекистон ССРнинг янги сайланган Олий Советини илгариги составдаги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақиради.

116-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети ўз ихтиёридаги масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун, шунингдек Ўзбекистон ССР қонунларини ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Президиуми қабул қилган бошқа қарорларни амалга оширишга кўмаклашиш, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини контрол қилиш учун депутатлар орасидан доимий комиссияларни сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзи зарур деб топган ҳолларда ҳар қандай масала юзасидан тергов, ревизия комиссияларини ва бошқа комиссияларни тузади.

Барча давлат ва жамоат органлари, ташкилотлари ва мансабдор шахслар Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссияларининг талабларини бажаришга, уларга зарур материаллар ва ҳужжатларни беришга мажбурдирлар.

Комиссияларнинг тавсиялари давлат ва жамоат органлари, муассасалар ва ташкилотлар томонидан албатта кўриб чиқилиши шарт. Кўриб чиқиш натижалари ёки кўрилган тадбирлар ҳақида белгиланган муддатда комиссияларга хабар қилиниши керак.

117-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзига ҳисоб берувчи барча давлат органлари фаолиятини контрол қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республика халқ контроли органлари системасига бошчилик қилувчи Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетини тузади.

118-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг органлари фаолияти тартиби Ўзбекистон ССР Олий Советининг Регламенти билан ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида чиқариладиган бошқа қонунлар билан белгиланади.

13 боб

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

119-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети — Ўзбекистон ССР Ҳукумати — Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органидир.

120-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Раисниг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР министрлари. Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг раисларидан иборат составда тузилади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси ўз лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССРнинг бошқа органлари ва ташкилотлари раҳбарларини Ўзбекистон ССР Ҳукумати составига киритиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети янги сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида унинг биринчи сессиясида ўз ваколатини соқит қилади.

121-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида жавобгардир ва унга ҳисоб беради, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда эса — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми олдида жавобгардир ва унга ҳисоб беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз иши тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида мунтазам ҳисоб бериб туради.

122-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат бошқарувининг Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган ва лекин Конституцияга кўра Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми компетенциясига кирмайдиган барча масалаларни ҳал этишга ҳақлидир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз ваколатлари доирасида:

1) халқ хўжалигига ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилишни таъминлайди; халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришни таъминлаш, фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қўриқлаш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; пул ва кредит системасини мустаҳкамлаш, давлат страхованиесини ҳамда ҳисоб-китоб ва статистика ягона системасини ташкил этиш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади; нарх-наво, меҳнат ҳақи, социал таъминот соҳасида ягона сиёсат ўтказишда қатнашади; саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бирлашмаларини, транспорт ва алоқа корхоналарини, шунингдек республика ва маҳаллий қарамоқдаги бошқа ташкилот ва муассасаларни бошқаришни ташкил этади;

2) Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг жорий ва перспектив давлат планларини, Ўзбекистон ССР давлат бюджетини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этади; давлат планлари ва бюджетини амалга ошириш, Қорақалпоғистон АССРни, областларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш тадбирларини кўради; Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон ССР иттифоққа берилган масалаларга доир фаолиятини мувофиқлаштириб туради ва контрол қилади; планларнинг бажарилиши ва бюджетнинг ижрози тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим қилади;

3) давлат манфаатларини ҳимоя қилиш социалистик мулкини ва жамоат тартибини сақлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тадбирларини амалга оширади;

4) ССР Конституциясида белгиланган доирада мамлакат давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлаш тадбирларини кўради;

5) Ўзбекистон ССРнинг чет давлатлар билан муносабатлари соҳасида иттифоқдош республикаларнинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида ССР Иттифоқи белгилаб қўйган умумий тартибга асосланиб раҳбарлик қилади;

6) зарур бўлиб қолган тақдирда хўжалик, социал-маданий қурилиш ишлари юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида комитетлар, бош бошқармалар ва бошқа идораларни тузади;

7) Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ишини йўлга солиб ва текшириб туради, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг фаолиятига раҳбарлик қилади.

123-модда. Халқ хўжалигига раҳбарликни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ва давлат бошқарувининг бошқа масалаларини ҳал этиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доимий органи сифатида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Раисниг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларидан, шунингдек Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Ҳукуматнинг бошқа аъзоларидан иборат составда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми иш олиб боради.

124-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади ва текширади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида ижро этилиши мажбурийдир.

125-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз компетенцияси доирасида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларининг ижросини тўхтатишга, шунингдек халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР министрликларининг, Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг ва ўз ихтиёридаги бошқа органларининг актларини бекор қилишга ҳақлидир.

126-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда давлат комитетларининг, ўз ихтиёридаги бошқа органларининг ишларини бирлаштиради ва йўлга солиб туради.

Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика министрликлари ва давлат комитетлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳам, шунингдек СССРнинг тегишли иттифоқ-республика министрлигига ёки СССР давлат комитетига ҳам бўйсуниб, ўзларига топширилган бошқарув тармоқларига раҳбарлик қиладилар ёки тармоқлараро бошқарувни амалга оширадилар.

Ўзбекистон ССРнинг республика министрликлари ва давлат комитетлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бўйсуниб, ўзларига топширилган бошқарув тармоқларига раҳбарлик қиладилар ёки тармоқлараро бошқарувни амалга оширадилар.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетлари ўзларига топширилган бошқарув соҳаларининг аҳволи ва ривожи учун жавобгардирлар; ўз компетенцияси доирасида СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлари, СССР Олий Совети ва унинг Президиуми, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Президиуми қабул қилган бошқа қарорлар, СССР Министрлар Советининг ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, СССР тегишли министрликларининг ва давлат комитетларининг актлари асосида ва уларнинг ижроси юзасидан актлар чиқарадилар, уларнинг ижросини ташкил қиладилар ва текширадилар.

127-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ва унинг Президиумининг компетенцияси, уларнинг фаолият тартиби, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бошқа давлат органлари билан муносабатлари, шунингдек Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика, республика министрликлари, давлат комитетларининг рўйхати Конституция асосида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Қонун билан белгиланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий Қонуни)

(Боши 1, 2 ва 3-бетларда).

VI. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ВА БОШҚАРУВИНИНГ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИ

14 боб

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИ

128-модда. Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимиятининг олий органи Қорақалпоғистон АССР Олий Советидир.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Қорақалпоғистон АССР Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон АССР ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни ҳал этишга ҳақлидир.

Қорақалпоғистон АССР Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар киритиш, Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларини, шунингдек давлат бюджетини ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, ўзига ҳисоб берадиган органларни тузиш фақат Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон АССРнинг қонунлари Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан қабул қилинади.

129-модда. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети — Олий Советнинг Президиумини — Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг доимий ишлайдиган, ўзининг бутун фаолияти тўғрисида унга ҳисоб берадиган, унинг сессиялари ўртасидаги даврда Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимиятининг олий органи функцияларини Конституцияда кўзда тутилган доираларда амалга ошрадиган органини сайлайди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг состави ва ваколатлари Қорақалпоғистон АССР Конституцияси билан белгиланади.

15 боб

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

130-модда. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советини — Қорақалпоғистон АССР Ҳукуматини — Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимиятининг ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органини тузади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР Олий Совети олдида жавобгар ва унга ҳисоб беради, Олий Советнинг сессиялари ўртасидаги даврда эса — Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми олдида жавобгардир ва унга ҳисоб беради.

131-модда. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети СССР, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари, СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорлари ва фармойишлари асосида ва уларнинг ижроси юзасидан қарорлар ҳамда фармойишлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади ва текширади.

132-модда. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ўз компетенцияси доирасида халқ депутатлари район ва шаҳар (республикага, (АССРга) бўйсунувчи шаҳарлар) Советлари ижроия комитетларининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР министрликлари, давлат комитетлари ва ўзига бўйсунувчи бошқа органларнинг актларини ҳам бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

133-модда. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР министрликлари хамда давлат комитетларининг, ўз ихтиёридаги бошқа органларнинг ишини бирлаштиради ва йўлга солиб туради.

Қорақалпоғистон АССР министрликлари ва давлат комитетлари Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ҳам, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг тегишли министрликларига ва Ўзбекистон ССР давлат комитетларига ҳам бўйсуниб, ўзига топширилган бошқарув тармоқларига раҳбарлик қиладилар ёки тармоқлараро бошқарувни амалга оширадилар.

VII. ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ВА БОШҚАРУВИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРИ

16 боб

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ

134-модда. Областлар, районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар, посёлкаларда, қишлоқлар ва овулларда давлат ҳокимияти органлари уларнинг халқ депутатлари Советларидир.

135-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат манфаатларига ва шу Совет территориясида истиқомат қилувчи гражданларнинг манфаатларига асосланиб ҳал этадилар, юқори давлат органларининг қарорларини амалга оширадилар, қуйи халқ депутатлари Советлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва умумиттифоқ аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар, шу масалалар юзасидан ўз таклифларини киритадилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз территориясида давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қиладилар, иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари, маҳаллий бюджетни ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайдилар; ўзларига бўйсунувчи давлат органлари корхоналар муассасалар ва ташкилотларга раҳбарлик қиладилар; қонунларга риоя этилишини, давлат ва жамоат тартиби, гражданларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайдилар; мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам берадилар.

136-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришни ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар; шу территорияда жойлашган ва юқори идораларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қонунларга риоя этиши устидан контроллик қиладилар; уларнинг ердан, сувдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, аҳолига социал-маданий, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб турадилар ва контрол қиладилар.

137-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари СССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР қонунларида, Қорақалпоғистон АССРда эса Қорақалпоғистон АССР қонунларида ҳам берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Маҳаллий Советларнинг қарорларини шу Совет территориясида жойлашган барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва гражданлар бажаришлари шарт.

138-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессияларининг ижроия комитетлари томонидан йилига камида тўрт марта чақирилади.

139-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР қонунлари билан, Қорақалпоғистон АССРда эса Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан ҳам ўз ихтиёрларига берилган барча масалаларни сессияларда кўриб чиқиш ва ҳал қилишга ҳақлидирлар. Фақат Советлар сессияларида кўриладиган ва ҳал қилинадиган масалалар рўйхати халқ депутатлари маҳаллий Советлари тўғрисидаги қонунлар билан белгиланади.

140-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳаллий Советлар ихтиёрига берилган масалаларни дастлабки тартибда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун, шунингдек Советларнинг қарорлари амалга оширилишига кўмаклашиш, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини контрол қилиш учун депутатлар орасидан доимий комиссияларни сайлайдилар.

Маҳаллий Советлар доимий комиссияларининг тавсиялари тегишли давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши шарт. Кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёки кўрилган тадбирлар ҳақида белгиланган муддатда комиссияларга хабар қилиниши керак.

141-модда. Халқ депутатларининг юқори маҳаллий Советлари қуйи Советларининг фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

Юқори маҳаллий Советлар халқ депутатлари қуйи Советларининг ҳамда уларнинг ижроия комитетларининг актлари қонунга мувофиқ келмаган тақдирда шу актларни бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

142-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари давлат ва жамоат ишларини бошқаришга гражданларни кенг кўламда жалб этадилар; ўз фаолиятларини жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан маҳкам боғлаб олиб борадилар; энг муҳим масалаларни меҳнаткашлар муҳокамасига қўядилар; гражданларни доимий комиссиялар, ижроия комитетлари ишига ва Советларга ҳисоб берувчи бошқа органлар ишига жалб қиладилар; маҳаллий жамиятлар ишларини йўлга солиб турадилар ва аҳолининг ижтимоий ташаббускорлигини ривожлантирадилар.

17 боб

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИ

143-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижро қилувчи ва бошқарувчи органлари шу Советлар депутатлар орасидан: раис, раиснинг ўринбосарлари, секретарь ва аъзолардан иборат составда сайлаб қўядиган ижроия комитетларидир.

Ижроия комитетлари ўзларини сайлаган Советлар олдида, шунингдек меҳнат коллективларидаги ва гражданларнинг истиқомат қиладиган жойлардаги йиғилишларида йилига камида бир марта ҳисоб берадилар.

144-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ўзларини сайлаган Советга ҳам, шунингдек юқори ижро қилувчи ва бошқарувчи органга ҳам бевосита ҳисоб берадилар.

145-модда. Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари тегишли Советларнинг территориясидаги давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга ўзларини сайлаган Советларнинг ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органларининг қарорлари асосида раҳбарлик қиладилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари Советлар ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Советлар сессияларидагина ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бундан мустаснодир.

Ижроия комитетлари Советларнинг сессияларини чақирадилар; Советларнинг доимий комиссиялари ишини мувофиқлаштириб турадилар; депутатларнинг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашадилар; Советларнинг ва юқори давлат органларининг қарорлари, шунингдек сайловчиларнинг наказлари бажарилишини ташкил этадилар: ўзларига бўйсунувчи бошқарув органларига раҳбарлик қиладилар.

146-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ўз компетенцияси доирасида қарорлар қабул қиладилар ҳамда фармойишлар чиқарадилар.

147-модда. Юқори ижроия комитетлари халқ депутатлари Советлари қуйи ижроия комитетларининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

148-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ваколатлари тугагач, ижроия комитетлари янги чақириқ халқ депутатлари Советлари томонидан ижроия комитетлари сайлангунга қадар ўз ваколатларини сақлаб қоладилар.

149-модда. Ижроия комитетларининг бўлимлари ва бошқармалари халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари томонидан тузилади ва ўз фаолиятида Советларга ҳамда уларнинг ижроия комитетларига, шунингдек давлат бошқарувининг тегишли юқори органларига бўйсунадилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари бўлимлари ва бошқармаларининг рўйхати ҳамда уларни тузиш тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан, Қорақалпоғистон АССРда эса Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан ҳам белгиланади.

VIII. ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

18 боб

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИ

150-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш яхлит давлат планининг таркибий қисмидир.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг перспектив ва жорий планлари СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий вазифаларига ва йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда республика территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлашга қаратилади.

151-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани экономика ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни белгилайди. Ўзбекистон ССР территориясидаги халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг комплекс программасидан иборат бўлади, у министрликлар, давлат комитетлари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг планларини, Қорақалпоғистон АССРни, областларни ва Тошкент шаҳрини иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларини ўз ичига олади.

152-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан умумдавлат манфаатларига асосланиб, Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, жамоат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар коллективларининг, шунингдек СССР министрликлари ва идораларининг таклифларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этилади.

153-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларининг хулосалари юзасидан Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муҳокама қилади ва тасдиқлайди.

154-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини бажарилишини ташкил этади ҳамда халқ хўжалигида план интизомини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чораларни кўради.

155-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Планлар бажарилишининг умумий кўрсаткичлари ҳаммага маълум этиш учун эълон қилинади.

19 боб

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

156-модда. Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети СССР ягона давлат бюджетининг таркибий қисмидир.

157-модда. Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети Ўзбекистон ССРнинг республика бюджетини, Қорақалпоғистон АССР давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни бирлаштиради.

158-модда. Ўзбекистон ССР давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг Ўзбекистон ССР республика бюджети, Қорақалпоғистон АССР давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида бўлиниши Ўзбекистон ССРнинг, Қорақалпоғистон АССРнинг ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджетга оид ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонун билан ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунлари билан белгиланади.

159-модда. Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан СССРни ва Ўзбекистон ССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш давлат планлари, СССР давлат бюджети асосида ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилади.

160-модда. Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларининг хулосалари асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

161-модда. Ўзбекистон ССР давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланади. Бюджет ижросининг умумий кўрсаткичлари ҳаммага маълум этиш учун эълон қилинади.

IX. ОДИЛ СУДЛОВ, АРБИТРАЖ ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

20 боб

СУД ВА АРБИТРАЖ

162-модда. Ўзбекистон ССРда одил судловни фақат суд амалга оширади.

Ўзбекистон ССР судлари: Ўзбекистон ССР Олий Суди, Қорақалпоғистон АССР Олий Суди, область судлари, Тошкент шаҳар суди, район (шаҳар) халқ судларидир.

Ўзбекистон ССРдаги судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби ССРР ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади.

163-модда. Ўзбекистон ССРда ҳамма судлар судьяларни ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш асосида тузилади.

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари район (шаҳар) гражданлари томонидан умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари гражданлар ишлайдиган ёки истиқомат қиладиган жойлардаги йиғилишларда очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланади.

Юқори судлар халқ депутатлари тегишли Советлари томонидан беш йил муддатга сайланади.

Судьялар ва халқ маслаҳатчилари сайловчилар ёки ўзларини сайлаган органлар олдида жавобгардирлар, уларга ҳисоб берадилар ва қонунда белгиланган тартибда улар томонидан чақириб олинишлари мумкин.

164-модда. Ўзбекистон ССР Олий Суди Ўзбекистон ССРнинг энг юқори суд органи бўлиб, Ўзбекистон ССР судларининг судлов фаолияти устидан назорат қилиб туради.

Ўзбекистон ССР Олий Суди Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Раис, унинг ўринбосарлари, аъзолар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат составда сайланади.

165-модда. Ҳамма судларда гражданлик ва жиноий ишлар коллегиал тарзда кўрилади: биринчи инстанция судида — халқ маслаҳатчилари иштирокида кўрилади.

Халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишда судьянинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

166-модда. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

167-модда. Ўзбекистон ССРда одил судлов гражданларнинг қонун ва суд олдидаги тенглиги асосида амалга оширилади.

168-модда. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни судниг ёпиқ мажлисида тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади, бунда судловнинг ҳамма қоидаларига риоя этилади.

169-модда. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи таъминланади.

170-модда. Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла таништириш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

171-модда. Судниг ҳукми бўлмаса ва қонунга мувофиқ келмаса ҳеч ким жиноят қилишда айбдор деб топилиши, шунингдек жиноий жазога тортилиши мумкин эмас.

172-модда. Гражданларга ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатлар коллегиялари ишлайди. Қонунларда кўзда тутилган ҳолларда гражданларга юридик ёрдам текин берилади.

Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби ССР Иттифоқининг ва Ўзбекистон ССРнинг қонунлари билан белгиланади.

173-модда. Гражданлик ва жиноий ишларга доир судловда жамоат ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

174-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини давлат арбитражи органлари ўз компетенцияси доирасида ҳал этади.

21 боб

ПРОКУРАТУРА

175-модда. Ўзбекистон ССР территориясида ҳамма министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижро қилувчи ва бошқарувчи органлари, колхозлар, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, шунингдек гражданлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини юқоридан назорат қилиш СССР Бош прокурори томонидан ҳамда унга итоат қилувчи Ўзбекистон ССР Прокурори ва қуйи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

176-модда. Ўзбекистон ССР Прокурори, Қорақалпоғистон АССР прокурори ва областларнинг прокурорлари СССР Бош прокурори томонидан беш йил муддатга тайинланади.

Район ва шаҳар прокурорлари беш йил муддатга Ўзбекистон ССР Прокурори томонидан тайинланади ва СССР Бош прокурори томонидан тасдиқланади.

177-модда. Прокуратура органлари ўз ваколатларини амалга оширишда ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил бўлиб, фақат СССР Бош прокурорига бўйсунадилар.

X. ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ГЕРБИ, БАЙРОҒИ, ГИМНИ ВА ПОЙТАХТИ

178-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат герби — қуёш нурлари ичида атрофи ўнг томонидан бир даста бўғдойпоя ва чап томонидан гуллаган ва пахтаси очилган ғўза шохи билан ўралган ўроқ ва болға тасвиридан иборат; гербнинг юқори қисмида беш қиррали юлдуз бор; пастда Ер куррасининг бир бўлаги тасвирланган. Бўғдойпоя билан ғўза шохи ўралган лентанинг чап томонига ўзбекча «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», ўнг томонига русча «Пролетарии всех стран, соединяйтесь!» деган сўзлар ёзилган, пастда лентанинг тугилган жойида «ЎзССР» деб ёзилган.

179-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат байроги тўғри бурчакли қизил алвондан иборат бўлиб, байроқнинг ўртасидан бутун бўйига ҳаворанг йўл тортилган, ҳаворанг йўлнинг икки чекасида ингичка оқ ҳошия бўлади. Оқ ҳошия билан ҳаворанг йўл байроқ энининг бешдан бир қисмига тенг.

Байроқнинг юқори қизил алвон қисмида, дастаси ёнида олтин ўроқ ва болға расми, унинг устида зарҳал ҳошиялик беш қиррали юлдуз тасвирланган. Байроқнинг эни бўйига нисбатан 1:2.

180-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат гимни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланади.

181-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳридир.

XI. ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА УНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

182-модда. Ўзбекистон ССР қонунлари ва давлат органларининг бошқа актлари Ўзбекистон ССР Конституциясига асосан ва унга мувофиқ равишда чиқарилади.

183-модда. Ўзбекистон ССР Конституцияси Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг камида учдан икки қисмини ташкил этган кўпчилик қабул қилган Ўзбекистон ССР Олий Совети қарори билан ўзгартирилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ VI СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТ Ш. Р. РАШИДОВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Депутат ўртоқлар!

Ҳозиргина Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбек халқи, республикамиз номидан бошқа меҳнаткашлари номидан иш кўриб, уларнинг ҳоҳиширодасини ифодалаб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг янги Конституцияси (Асосий Қонуни)ни якдиллик ва баланд рух билан тасдиқлади.

Бу кун Совет Ўзбекистонининг шонли тарихига ёрқин саҳифа бўлиб киради. У республика меҳнаткашларининг хотирасида катта ва порлоқ байрам бўлиб, КПСС доно ленинча миллий сиёсатининг, Совет социалистик демократиясининг, халқ ҳокимияти ленинча принципларининг тантанаси сифатида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг қабул этилиши республикамизни социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Конституция партия сиёсатининг революцион — ўзгартувчилик кучини бутун дунёга намойиш қилади, социализм жамиятимиз ҳаёти ҳамма соҳаларининг мисли-сиз ривожланиши учун чинакам чексиз имкониятларни таъминлаганлигини кўрсатади.

Марксизм-ленинизмдан бошқа биронта идеология ҳам, Коммунистик партиядан бошқа биронта партия ҳам, социализмдан бошқа биронта ижтимоий тузум ҳам мамлакатимизда тарихан қисқа муддатда таркиб топган турли миллат ва элатларнинг чинакам бузилмас бирлиги, жипслиги ва қардошлигини таъминлай олмаганлигини ва таъминлай олмаслигини республиканинг Асосий Қонуни яна бир карра тасдиқлайди.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси кучга кирган ҳозирги вактда унинг ҳар бир моддаси, унинг ҳар бир қоидаси давлат органлари, мансабдор шахслар, барча гражданлар амалий фаолиятининг қўлланмаси, жанговар программаси бўлиб қолишига эришиш зарур.

Конституция коидаларини рўёбга чиқариш бутун давлат ва хўжалик фаолиятимизни, ҳокимият ва бошқарув органларининг бутун ишини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш лозим. Аввало, янги Конституцияда кабул этилиши кўзда тутилган ёки ундан келиб чикадиган ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши керак. Бу гап Ўзбекистон ССР Олий Советининг регламентини, республика Министрлар Совети тўғрисидаги Қонунни, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тартиби тўғрисидаги, халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тартиби ҳакидаги қонунларни ва бошқа қонунларни тайёрлашга айникса тааллуқлидир.

Республика Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Давлат гимнининг тексти ва музикавий таҳририни тасдиқлаганлигини биласиз. у эртага матбуотда эълон қилинади.

Қорақалпоғистон АССР Конституцияси қабул этилиши лозим, унинг лойиҳаси устидаги иш ниҳоясига етказилмоқда.

Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул этилиши муносабати билан республика қонунлари мажмуасини тайёрлашни жадаллаштириш зарур. Республика қонунларини такомиллаштириш социалистик демократияни янада ривожлантиришни, ҳокимият ва бошқарувнинг ҳамма поғоналарида қонунчиликни мустаҳкамлашни таъминлаши лозим.

Улуғ Ленин меҳнаткашларнинг ғоят кенг социалистик ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда уларга ёрдам бериш зарурлигини кайта-кайта уқтириб ўтган эди. Партия Ленининг бу васиятини изчиллик билан бажариб келмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида бундай деди: «СССР гражданлари ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш йўллари ва методларини яхши билишларини, улар бу ҳуқуқлар ва эркинликларни коммунизм куриш манфаатлари йўлида қўллана олишларини истаймиз, бу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ўз гражданлик бурчларини халол бажаришлари билан чамбарчас боғланганлигини очик ва равшан тушуниб олишларини истаймиз».

Бунга кўмаклашиш — ҳаммамизнинг бурчимиздир. СССР Конституцияси билан Ўзбекистон ССР Конституциясининг жуда катта ғоявий потенциалидан республика меҳнаткашларини, айникса, ёшларни юксак ғоявийлик, совет ватанпарварлиги, социалистик гражданлик, пролетар интернационализми руҳида, социалистик жамиятда яшаш қоидаларига муттасил риоя этиш руҳида тарбиялаш учун тўлатўкис фойдаланиш лозим. Бу энг муҳим умумдавлат вазифасидир. Партия, совет, касаба союз, комсомол органларини, меҳнат коллективларини, оммавий ахборот воситаларини, ижодий союзларни, олий ва ўрта мактабни, ҳуллас, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек олижаноб ишга дахлдор бўлган барча муассасаларни бу вазифани муваффакиятли ҳал этишга жалб қилиш керак.

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Шу шодиёна ва тантанали кунда республика ишчилар синфи, колхозчи деҳконлари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари доимий ғамхўрлик ва эътиборга жавобан ўзларининг бутун кучларини, билимларини ва ғайратларини партиянинг улуғвор режаларини амалга оширишга сарфлайдилар, деб сизларнинг номингиздан, Совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоки Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Леонид Ильич Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОКШОМИ

20 АПРЕЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-37-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р—00311. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1290.